# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 4 октябрь, № 195 (5869) Жума


## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Нукус туманидаги Узункўл мавзеида намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган замонавий тураржойларда истиқомат қилаётган аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди.*

### Янги мавзеда янги корхона

Гап шундаки, тадбиркор Пўлат Нағметуллаев ташаббуси билан рўёбга чиқарилган лойиҳа туфайли мазкур қишлоқда йилига 70 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга "Нукус маҳсулот улгуржи савдо" масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширилди.

— Янги корхонани ташкил этиш ва уни хорижнинг замонавий ускуналари билан жиҳозлашда банкнинг 120 миллион сўмлик кредити қўл келди, — дейди тадбиркор. — Ҳудуд аҳлини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида, ўнга яқин иш ўринлари ҳам барпо этдик.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Фарғона туманининг Аввал қишлоғида саноат корхонаси иш бошлади.*

### Сармоя ва самара

Сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхона 120 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига хорижнинг илғор технологик линияси билан жиҳозланди. Натижада бу ерда йилига 3,5 миллион донага яқин пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Айни пайтда корхона жамоаси туманнинг Чек шўра ва Лоғон қишлоқларидаги 227 та намунавий лойиҳа асосидаги тураржой қурилишига ўз маҳсулотини етказиб бераётир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Денов тумани ҳокимлиги ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси ёшларни иш билан таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлди.*

### Меҳнат шартномалари имзоланди

— Тадбирда ҳудудимиздаги барча корхона ва ташкилотлар, муассасалар бўш иш ўринлари билан қатнашди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Мирзоумар Хайруллаев. — Натижада 631 нафар ёш мутахассис бўлажак меҳнат жамоалари билан шартнома имзолади. Йил якунигача яна 7 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъминлашни режалаштирганмиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Хонқа туманининг Қорақош қишлоғида тадбиркор Сайёра Бобожонова саъй-ҳаракати билан тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Мухлиса дизайн" хусусий корхонаси иш бошлади.*

### Толадан тайёр маҳсулот

Бунинг учун банк кредитидан унумли фойдаланилди. Натижада 10 нафар хотин-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди. Ҳозир бу ерда 12 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Корхона жамоаси келгусида калава ип ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирмоқда. Бу лойиҳа амалга ошгач, тола шу ернинг ўзида қайта ишланиб, ундан тайёр маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилади. Шунингдек, яна 36 та иш ўрни ташкил этилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДЕПУТАТЛАР ДАСТУР ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан парламент эшитуви ташкил этилди. Унда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришнинг ҳолати ва истиқболда бу ишнинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги ахбороти тингланди.*

**ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ**

Бугунги кунда ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган Ўзбекистон ёшлари ҳаётда ўз қараши ҳамда фуқаролик позициясига эга, деб бемалол айтиш мумкин. Уларнинг таълим олиш, замонавий касб эгаллаш, меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқлари тегишли қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Булар эса навқирон авлоднинг келажакда иш жойини танлаш кафолатини ўз ичига олган ижтимоий бандлик имкониятларини кенгайтириш асосида амалга оширилаяпти.

2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг изчил рўёбга чиқарилаётгани ҳам бунинг амалий тасдиғидир. Масалан, жорий йилнинг январь-июнь ойларида республика бўйича 554,4 мингта иш ўрни очилган бўлса, шуларнинг 309,5 мингтаси ёки 55,8 фоизи ёшлар, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилди. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг Дастурда тасдиқланган параметрлар бажарилиши, таълим муассасаларини битирган йигит-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича масъулияти ошиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

*Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилиб, шундан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўзбек пахта толаси довруғини дунёга янада кенгроқ ёйиб, жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.*

## Сифат — рақобатбардошлик гарови

Ярмарка иштирокчилари сони ва унинг якунида тузилаётган шартномалар ҳажми йил сайин кўпайиб бораётгани ана шундан далолат беради. Қиёслаш учун бир мисол: 2005 йилда мазкур нуфузли форумда дунёнинг 30 мамлакатидан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2012 йилда жаҳоннинг 40 га яқин давлатидан 300 дан зиёд компания мутасаддилари, шунингдек, Ўзбекистоннинг пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 500 дан ортиқ хорижий ҳамкорлар иштирок этди.

Тўққизинчи марта ўтказиладиган бу йилги Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари сони бундан-да ошиши кутилаяпти. Негаки, унда қатнашиш учун кўплаб аризалар қабул қилинмоқда. Уларнинг барчаси хорижда ўзбек пахтасига бўлган талаб тобора ортиб бораётганининг ёрқин тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон юқори сифатли пахта толасини етиштирувчи, уни харидорларга кафолатли равишда етказиб берувчи ҳамкор сифатида аллақачон довруқ қозонган. Натижада кейинги йилларда янги савдо йўлаклари очилиб, ўзбек пахтасини сотиш ҳажми кўпайиб бормоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида пахтачилик соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари изчил татбиқ қилинаётгани, айниқса, ғўза селекцияси ва уни парваришлаш, хом ашёни қайта ишлаш ҳамда сертификатлашдан тортиб, то сотишгача бўлган жараён жаҳон стандартлари даражасига кўтарилгани бунда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

*Берлинда Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дурбек Аманов ГФР Федерал президенти Йоахим Гаукка ишонч ёрлиқларини топширди.*

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Й. Гаук Германия Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги ўзининг муҳим шериги сифатида қарашини ҳамда кенг қамровли масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ижобий хусусиятга эга эканлиги эътироф этилгани баробарида, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта салоҳиятнинг мавжудлиги таъкидланди.

Мулоқот сўнгида ГФР Федерал президенти икки томонлама ҳамкорлик янада фаоллашишига умид билдирар экан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига чин дилдан муваффақиятлар ва фаровонлик тилакларини изҳор этди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин




**КОНСТИТУЦИЯ — менинг тақдиримда**

*"Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади".*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси.

## Ижод, изланиш, имконият

### бизга ҳар доим қанот бахш этади

Давлат ва жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қувонарлиси, бугун юртимизда илмий муассасалар, олимлар ва тадқиқотчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилаётган юксак эътибор кўплаб истиқболли лойиҳалар ва янгиликларнинг амалиётга изчил татбиқ этилишига кенг йўл очмоқда.

Ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, бир неча йил аввал "Қоратоғ фосфоритларидан қўшалоқ суперфосфат туридаги ўғитлар олиш" мавзуида номзодлик ишимни ёқлаган эдим. Унинг ҳаётга татбиқ этилишидан илҳомим жўшди. Мавзуни мантиқий давом эттириб, докторлик ишига киришдим. Республика Фан ва технологиялар маркази гранти кўмагида ҳозиргача мавзу бўйича иккита ихтироим учун патент олдим, яна бири учун шундай ҳужжат расмийлаштирилаяпти. Насиб этса, келгуси йилда тадқиқотларим тўлиқ ниҳоясига етади.

Баъзан ўйлаб қоламан. Илм аҳлининг изланишларига етарли эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмаганида, бугунгидек ютуқларга эриша олармидик? Албатта, йўқ. Қаранг, эндиликда тадқиқот ишлари нафақат пойтахтдаги нуфузли илмий муассасалар, балки вилоятлар, жумладан, ҳар бир олий ўқув юртида кенг йўлга қўйилган. Хусусан, биргина бизнинг институтимизда иккита илмий тадқиқот лабораторияси ишлаб турибди. Муҳими, энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу масканларнинг эшиги нафақат ўқитувчилар, балки талабалар, ҳатто мустақил изланувчилар учун ҳам очиқ. Айни пайтда бу ерда 160 нафардан зиёд талабалар ўзларининг илк тадқиқот ишларини олиб бораётгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Хўш, бундай имкониятларнинг асосий омили нимада? Аввало, Конституциямиз, унда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларда. Зотан, Асосий Қонунимизда илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши кафолатлангани илм-фан ривожида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.

**Исроил ШАМСИДДИНОВ,**
**Наманган муҳандислик-педагогика институти доценти, техника фанлари номзоди.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

*Айни пайтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кўплаб соҳаларда ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган фаол сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг шу йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида олий даражада ўтган музокаралар чоғида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг ушбу тамойилларини алоҳида таъкидлади.*

Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётган расмий ҳужжатлардир.

Бугун Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кўплаб йўналишларда ўзаро манфаатли муносабатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, икки мамлакат парламентлари ва ташқи сиёсат идоралари ўртасида, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой Халқ Вакиллари Мажлисининг Доимий қўмитаси томонидан Ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

## Илғор тиббиёт технологиялари

### кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да иш бошлаган "UzMedExpo — 2013" халқаро ихтисослаштирилган кўргазмада намойиш этилмоқда






**ЖАРАЁН**

*Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Ўзфармсаноат" давлат-акциядорлик концерни, Хорижий фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари уюшмаси томонидан "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси кўмагида ташкил этилди.*

*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ барча жабҳалар қатори, тиббиёт соҳасида ҳам ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда. Унинг самаралари халқаро миқёсда эътироф этилаётгани, хусусан, юртимиз аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олганида яққол акс этмоқда. Умуман, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, тиббий хизматлар сифатини янада яхшилашда Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.*

(Давоми 2-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР ДАСТУР ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чиқишларда таъкидланганидек, бандлик сиёсатига комплекс ёндашув Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ бошланган. Парламент томонидан белгиланган янги барқарор иш ўринларини яратиш параметрларининг доимий назорати ҳамда мониторинги, бу борада депутатлик корпуси, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари томонидан амалий таклифлар киритилаётгани белгиланган чора-тадбирларни йилдан-йилга янада самарали амалга оширишга хизмат қилаяпти.

Тақдим этилган ахборот муҳокамалари давомида депутатлар ишга жойлаштириш масаласида мавжуд имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаганига эътибор қаратдилар. Парламент эшитуви иштирокчиларининг ўзаро фикр алмашувлари Бандлик дастурида кўзда тутилган параметрларнинг янада самарали бажарилишини таъминлашга оид истиқболдаги стратегияни аниқлаб олиш имконини берди. Йиғилишда сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқди.

Жойларда бандликни таъминлашнинг турли самарали шакллари, иш жойлари ярмаркалари ривожи кенг қулоч ёзди. Шулар баробарида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик каби соҳалар салоҳиятидан ҳам фаол фойдаланила бошланди. Қолаверса, жабҳада ижтимоий шериклик кенг шаклланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, коллеж битирувчилари ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини ишга жойлаштиришда депутатлик корпусининг роли ошмоқда. Айни пайтда "корхона — коллеж" механизми ҳаётда ўзини оқлаётир. Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва истиқболда ишга жойлашишини таъминлаш мақсадида жорий йилда 1391 касб-ҳунар коллежига 194 мингдан зиёд корхона ва ташкилот бириктирилди. Бундан ташқари, ёшларнинг ишбилармонлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш ҳам доимий диққат марказида бўлиб келаяпти. Шу мақсадда ўз бизнесини бошлашга қарор қилган коллеж битирувчиларига биринчи ярим йилликда 50 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

**Фахриддин КОМИЛОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, биргина ўтган охирги ўн йил мобайнида ишбилармонлик жабҳаларида иш билан банд бўлганлар сони икки баробарга ортди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани муҳим омил бўлди, албатта. Қайд этиш лозимки, мазкур саъй-ҳаракатлар иқтисодий ўсишни таъминлабгина қолмай, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини мустаҳкамлаш бўйича масалаларга самарали ечим бўлаяпти.

Фракциямиз фикрича, тадбиркорлик соҳасини янада жадал қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Зеро, бозор шароитида янги иш жойлари яратиш иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий натижалари, аниқроғи, бизнес-тузилмаларининг изчил фаолияти натижаси, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги йиғилиш кун тартибидан ушбу долзарб мавзунинг ўрин олиши, шубҳасиз, ўз самарасини бериб, тегишли идоралар мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Маълумки, бандликни таъминлаш масаласи аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, фракциямиз Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси устидан тизимли парламент назоратини ўрнатиш, ушбу жараёнда фаол иштирок этиш тарафдоридир. Масалан, эшитувга тайёргарлик кўриш чоғида сайловчилар билан учрашувлар ўтказилди, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг эгаллаган мутахассисликлари бўйича бандлиги ҳолатини ўрганишга оид назорат-таҳлил тадбирлари олиб борилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан сессиялар муҳокамасига Бандлик дастури ижросига боғлиқ масалалар 20 мартадан зиёд киритилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, жойларда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитларни яратишга қаратилган амалий чоралар ҳаётга татбиқ этилаётир. Ёшларнинг кўпчилиги ўз мутахассислиги бўйича доимий даромад манбаига эга бўлаяпти.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, Дастур нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадларини ошириш, балки мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлигида муҳим омилга айланмоқда. ХДП фракцияси булар билан бир қаторда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш жараёнига маҳаллий Кенгашлар депутатлари, иш берувчилар, ННТ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини янада кенг жалб этиш зарур, деб ҳисоблайди. Маҳаллий ҳокимликларнинг бу борадаги, чунончи, битирувчиларни корхоналарга бириктириш ва уларни шу ернинг ўзида ишга жойлаштирилишини кафолатлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

**Акмал РАҲМОНОВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Партиямиз оилавий бизнес, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш амалиётини ижобий баҳолайди. Шубҳасиз, кейинги йилларда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар бўйича умумдавлат классификатори қайта кўриб чиқилиши натижасида 576 та касб-ҳунар коллежида 133 мутахассисликда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, 59 та касб-ҳунар коллежи меҳнат бозори ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларга мос равишда ҳамда кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида қайта ихтисослаштирилди.

Шу муносабат билан ишлаб чиқилган ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий тармоқларга оид дастурлар, йирик инвестиция лойиҳалари, 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурга мувофиқ, мутахассисликларнинг қайта ихтисослашуви муносабати билан муайян касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлашнинг алоҳида йўналишларини унификациялаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Абдукамол РАҲМОНОВ, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси:**

— Фракциямиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Дастур ижроси бўйича катта ишлар қилинганлигини эътироф этади. Ўз навбатида, бу йўналишдаги чора-тадбирлар натижаларини янада яхшилашнинг қўшимча имкониятлари мавжуд. Айрим ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга қаратилган ташаббускорликни кучайтириш зарур. Шу боис депутатлар томонидан Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бориши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

**Нурия АЙТЖАНОВА, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзоси:**

— Депутатлар гуруҳимиз ҳудудлардаги талаб ҳамда географик жойлашувидан келиб чиқиб касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига барқарор иш ўринлари барпо этиш, шунингдек, бу борада маҳаллий имкониятларни самарали қўллашни долзарб, деб ҳисоблайди. Айни пайтда, шунингдек, ўтган йилларда яратилган иш жойлари муқимлигини сақлаш, илм-фан соҳасидаги, экологик хавфсиз, юқори технологияга асосланган иш ўринларини кўпайтириш зарур, деган фикрни илгари сурди.

Соҳа имкониятларини кенгайтиришда, албатта, экологик қонунчиликка қатъий риоя этиш, яъни атроф-муҳит, биохилма-хиллик ва инсон саломатлигига салбий таъсир этмаслик лозим. Энг муҳими, корхоналар илғор, муқобил, энергия тежамкор технологияларни кенг қўллаши, маҳаллий касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланишлари даркор. Шу туфайли экологик жиҳатдан тоза товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўл келадиган технологияларни амалиётга фаол жорий этиш, мазкур жараёнларга касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ҳам жалб қилиш жуда муҳимдир.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ, Машкура ЗОҲИДОВА.**

# Илғор тиббиёт технологиялари

кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да иш бошлаган "UzMedExpo — 2013" халқаро ихтисослаштирилган кўргазмада намойиш этилмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинги йилларда юртимизда юқори малакали шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими шакллантирилди. Бугун нафақат пойтахтимиз, вилоят марказлари, балки жойлардаги ҚВПлар ҳам энг сўнгги русумдаги ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланганини эътиборга молик.

Мамлакатимизда ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаларининг ташкил этилиши соҳа мутахассисларини ташхис қўйиш ва даволаш соҳасидаги кенг кўламли маҳсулотлар ва хизматлар, тиббий-илмий



янгиликлар ва ишланмалар, инновацион лойиҳалар билан таништириш, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

— Биз ушбу кўргазмада илк бор иштирок этаяпмиз, — дейди Покистоннинг "Fortunate surgical Co" компанияси вакили Муҳаммад Аслан. — Компаниямиз тиббий техника маҳсулотлари, хусусан, жарроҳлик амалиёти, стоматология, косметология ва ветеринарияда фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. Мақсадимиз ўз маҳсулотларимизни намойиш этиш асносида ҳамкорлар топиш ҳамда икки томонлама манфаатли шартномалар тузишдир.

— Биз ўтган гал ҳам кўргазмада иштирок этиб, "Ўзбекистон бозорига янги табиий маҳсулот олиб кирган жамоа" сифатида махсус диплом ва сертификат билан тақдирлангандик, — дейди мамлакатимизда фаолият юритаётган "Mir-Fayz" масъулияти чекланган жамияти мутахассиси Гулноза Камолова. — Бу гал эса кўргазмада "Соф папайя" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотимизни намойиш этаяпмиз. Маълумки, папайя қандли диабет хасталигини даволаш, овқат ҳазм қилиш тизими ва жигар фаолиятини яхшилаш сингари кўплаб фойдали хусусиятларга эга. Ушбу тадбирдан фойдаланиб, аҳолини маҳсулотимиз билан кенгроқ таништириш, шифокорлар ва ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ниятидамиз.

Юртимизда олтинчи бор ташкил этилаётган "UzMedExpo — 2013" тиббиёт кўргазмасида Ўзбекистон, Хитой, Германия, Италия, Швейцария, Украина, Россия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Покистон, Эрон сингари давлатлардан ўнлаб корхона ва фирмалар иштирок этаяпти. Тадбир стендларида нафақат дори-дармон, тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари, шунингдек, рентгенология, стоматология, физиотерапия, жарроҳлик, кардиология ва тиббиётнинг бошқа соҳаларида қўлланиладиган янги маҳсулотлар бор.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўпгина масалалар юзасидан ҳар икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига мос келади. Масалан, икки мамлакат Конституциясида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи уйғун ривожланиш моделининг асоси сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон ва Хитой инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантиришда муайян ютуқларга эришди. Ўзбекистонда, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва Омбудсман, ХХРда эса Хитой инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти ҳамда Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш жамғармасини шундай институтлар сифатида қайд этиш мумкин.

Мамлакатларимиз Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришишга катта эътибор қаратмоқда. Барча жабҳаларда бевосита инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ҳар икки давлат ҳукуматлари фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига эришишга йўналтирилган қатор чора-тадбир ҳамда дастурларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Хитой томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган миллий ҳаракат режаси Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури каби тегишли халқаро ҳужжатлар қоидасига тўлиқ мос келади. Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ташаббусларни рўёбга чиқариш доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилиб, уни қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон ва Хитойда инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ташкил қилиш, жумладан, давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўқитиш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳар икки мамлакат БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, бошқа халқаро органлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, шунингдек, шу мавзудаги Универсал даврий шарҳлар доирасида тегишли миллий маърузаларни тақдим этмоқда.

Ўзбекистон вакилларининг 2008 йилдан буён инсон ҳуқуқларини ривожлантириш моделини топиш ва бу борада тажриба алмашиш учун муҳим майдонга айланган инсон ҳуқуқлари бўйича Пекин форумларида иштирок этиб келаётгани мамлакатларимиз ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол ва изчил мулоқот амалга оширилаётганининг тасдиғидир. Ҳар йили ушбу тадбирларда дунёнинг ўттиздан зиёд давлати ва халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТнинг юз нафардан ортиқ вакили қатнашмоқда.

2013 йил сентябрь ойида ўтган Олтинчи Пекин форуми доирасида Хитой инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида Ўзаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди. Шу тариқа Ўзбекистон Хитой билан инсон ҳуқуқлари соҳасида шундай меморандумни имзолаган дастлабки давлат бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг сўзларига кўра, ушбу меморандумда қатор ҳамкорлик йўналишлари кўзда тутилган. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бўйича қонун ҳужжатлари ва ахборот-таҳлил материаллари алмашиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш, давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишга бағишланган қўшма тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

**Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.**

# Эзгулик ва меҳр-оқибат маскани

*Пойтахтимизда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтириш, миллий урф-одатларимизни зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш борасидаги вазифаларга бағишланган анжуман ўтказилди.*

## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Таъкидланганидек, юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш, оилалар, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларда умуминсоний қадриятларни қарор топтириш борасида маҳалла таъсири ва мавқеини ошириш мақсадида кўплаб ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш йўналишида 46 мингга яқин тадбирлар, маънавий-маърифий кечалар уюштирилди. Оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган турли спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар ҳам мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

— "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Фонд ҳисобидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида таълим олаётган жисмоний имконияти чекланган иқтидорли ўқувчи ва талабаларга 218,6 миллион сўмлик компьютер жиҳозлари олиб берилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Г. Алимова. — Етти мингдан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларига 650 миллион сўмлик совғалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. Ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан 467 та кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйлари ўтказилишига кўмаклашилди.

Тадбирда жорий йилнинг ноябрь — декабрь ойларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан "Маҳалла" фонди томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шунингдек, жамиятимизнинг маънавий негизини янада ривожлантириш, миллий қадриятларни мустаҳкамлашда маҳаллаларнинг ўрнини ошириш, фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари ҳамда "Ота-оналар университетлари" фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Сифат — рақобатбардошлик гарови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чиндан ҳам, пахтачилик тармоғида бозор муносабатлари жорий этилиб, фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги оширилиши, пахта тозалаш корхоналари ва терминаллар фаолиятининг тубдан яхшиланиши — ҳамма-ҳаммаси ўзбек толаси рақобатбардошлигини ошираяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугунги кунда жаҳон пахта бозорида замонавий тенденциялар пайдо бўлдики, унга кўра, толага нисбатан янги талаблар қўйилмоқда. Гап шундаки, пахта толаси сотилиши пайтида қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар билан бирга, HVI тизимида аниқланган қўшимча кўрсаткичлар бўйича ҳам харидорлар талаблари қондирилиши даркор. Шу маънода, юртимизда бу борада пухта ўйланган ислоҳотлар олиб борилаётгани диққатга сазовор.

Заминимизда етиштирилган "оқ олтин"нинг ранги оқ-ялтироқлиги, пишиқлиги, толалар узунлиги бир хиллигининг юқорилиги ҳамда толалар таркибида калта толалар камлиги билан ажралиб туради. Айтайлик, фақат калта толалар миқдори қанча кам бўлса, осон йигирилиб, шунча кўп миқдорда калава ип олинади. Замонавий тўқимачилик саноатидаги шу каби талабларни инобатга олган ҳолда, юқори синфларга мансуб пахта толаси тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш, пахта тозалаш корхоналарида толанинг ифлосланиш даражасини камайтириш йўлида муайян ишлар амалга оширилаётир. Бунинг самарасини қуйидаги рақамларда яққол кўриш мумкин. Яъни бундан 10 йил аввал толанинг "олий" ва "яхши" синфлари умумий миқдори 70 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йил ҳосили бўйича бу кўрсаткич 85 фоизни ташкил этди. Айниқса, Қашқадарё, Навоий, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларининг айрим пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган толанинг 95 фоизидан кўпроғи "олий" ва "яхши" синфларга мансуб бўлдики, бу, ўз навбатида, маҳсулотнинг қўшимча равишда юқори нархларда баҳоланишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчилик мавқеи мустаҳкамланишида тола сифатига кафолат бериш, уни классификациялаш ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги муҳим аҳамият касб этаяпти. Бинобарин, республикамиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг ҳар бир тойи сифат кўрсаткичлари ва оғирлиги бўйича "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг ҳудудий лабораторияларида синовдан ўтказилиб, назорат қилиб борилади.

Шу билан бирга, юртимизда экилаётган ғўза навлари, пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола ва момиққа оид тойма-той сифат кўрсаткичлари бўйича сўнгги тавсифлар "Сифат" марказининг миллий маълумотлар базасида таҳлил қилиниб, сақланади.

Кези келганда айтиш жоизки, Ўзбекистон жаҳоннинг 42 та пахта етиштирувчи давлати қаторида 1992 йилдан бошлаб Халқаро пахта маслаҳат қўмитасининг аъзоси ҳисобланади. Бундан ташқари, 2007 йилдан "Сифат" марказининг марказий лабораторияси, 2010 йилдан эса яна 11 аккредитацияланган ҳудудий лаборатория ҳам ушбу қўмитанинг инструментал тестдан ўтказиш комиссиясининг аъзоси бўлди.

Ҳозирги кунда "Сифат" маркази ҳар чоракда ўтказиладиган халқаро раунд-тестларда иштирок этиб келмоқда. Унинг натижалари асосида марказнинг HVI тизими жаҳон миқёсидаги рейтингнинг юқори ўринларини эгаллаётганлиги, республикада ташкил қилинган пахта толасини синовдан ўтказиш тизими дунёда кенг тан олинаётганлигини кафолатлайди. Қолаверса, марказий лаборатория Бремен пахта уюшмаси раунд-тестларида ҳам мунтазам қатнашаётгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Маълумки, харид қилинаётган пахта толаси сифатини халқаро стандарт талаблари бўйича маҳсулотни сертификатлаш ишлари ISO — 9001 сифат менежмент тизими томонидан берилган сертификатлар асосида амалга оширилади. 2001 йилдан эътиборан "Сифат" марказининг лабораториялари томонидан пахта толасининг ҳар бир тойи 100 фоиз синовдан ўтказилиши жорий этилиб, агротехникани яхшилаш, янги селекцион навларни районлаштириш ва HVI тизимини қўллаш натижасида тўқимачилик саноати учун мақбул бўлган 4 типдаги толанинг миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Хусусан, 2011 йил билан 2012 йил ҳосили солиштирилганда, толанинг узунлиги бўйича 4 типдаги пахта толасининг миқдори 77,6 фоиздан 80,8 фоизгача ортгани кузатилди.

Ғўзанинг сифат кўрсаткичлари бўйича яхшиланган селекцион навлари экилаётгани, ўз навбатида, пахта толаси сифатининг барча кўрсаткичлар бўйича яхшиланишига олиб келмоқда. Масалан, толанинг узунлиги бўйича "Бухоро-8", "Омад", "Андижон-36", "Бухоро-102", пишиқлиги бўйича "Наманган-34", "С-2610", "С-6524", "Бухоро-8", "Бухоро-6", "Бухоро-102", микронейр кўрсаткичи бўйича "Бухоро-8", "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Омад", "Султон", "Келажак", узунлик бўйича бир хиллик индексида "Наманган-34", "С-2610", "Наманган-77", "С-6524", "Андижон-36", "Бухоро-6", "Бухоро-8" навлари устуникка эга.

Соҳа мутахассисларига яхши аёнки, пахта толасининг асосий сифат кўрсаткичларидан бири унинг оқ-ялтироқлик даражасидир. Ўзбек толаси шу жиҳатдан ҳам аъло эканлиги билан янада шуҳрат топаяпти. Негаки, республикамизнинг катта майдонларида етиштирилаётган "С-6541", "Учқўрғон-2", "Наманган-34", "Хоразм-127", "Хоразм-150", "Меҳнат" каби навлар худди шундай кўрсаткичли саноатбоп тола беради.

Юртимизда HVI тизимида пахтанинг сифатини аниқлаш усули қўлланилаётгани бежиз эмас. Зеро, у селекционер олимларга саноатчилар талабидаги навларни етиштиришга ёрдам бериб, пировардида ўзбек пахтасининг сифатини яхшилаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини яратади. Шу боис "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказини 2013 — 2017 йиллар давомида босқичма-босқич модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Унга асосан, 35 та яримавтоматли HVI 900 тизими ўрнига 18 та юқори унумдорликка эга ҳамда такомиллаштирилган HVI 1000 янги тизими сотиб олиниши режалаштирилган.

Бу юртимизда ишлаб чиқарилган пахта толасининг сифатини жаҳон андозаларига мос равишда аниқлаш, дунё бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Эркин МАҚСУДОВ, «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Сентябрь ойи якунлари бўйича Испанияда яна ишсизлик масаласи муҳокама мавзусига айланди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

### Мавсум якуни муаммолари



Чунки айнан ушбу даврга келиб, мамлакатда туризм мавсуми анча сусаяди ва сайёҳлик тизимида меҳнат қилаётган аксарият ходимларнинг шартнома муддати тугайди. Масалан, худди шу сабаб билан тўққизинчи ойда 52 минг киши ишсиз қолган. Меҳнат биржасига мурожаат қилганлар сони эса 0,5 фоизга кўпайган.

Бюджет масалалари бўйича мамлакат вазири Кристобаль Монторонинг фикрича, аслида жорий йилги кўрсаткичлар 2007 йилдагига нисбатан яхшироқ. "Бу иқтисодиётда ижобий томонга силжиш кузатилаётганидан дарак беради. Умид қиламиз, 2014 йилда аҳвол янада ўнгланиб, иш ўринлари яратиш учун имкониятларимиз кенгаяди", дейди у.

Ҳозирги кунда Испанияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 27 фоизи ишсиз.

### Машҳур корпорацияда келишмовчилик

*Ахборот-коммуникация технологиялари оламида етакчи мавқега эга бўлган "Microsoft" корпорацияси ҳиссадорлари ўртасида тушунмовчилик юзага келган кўринади.*

Гап шундаки, ҳозир йигирма нафар ҳиссадордан учтаси корпорация асосчиси Билл Гейтснинг директорлар кенгаши раиси лавозимидан кетишини талаб қилмоқда. Уларнинг айтишича, 38 йил аввал ушбу компанияни ташкил қилган Гейтс бугунги кунга келиб унинг ривожланиш стратегиясини ўзгартиришга халақит бераяпти.

Бундан аввал ташкилотнинг икки нафар тажрибали иш юритувчиси "Microsoft"да турли муаммолар келиб чиқаётгани ҳамда уларни бартараф этишга етарлича эътибор қаратилмаётгани боис ишдан кетиб қолганди. Корпорация бош директори Стив Балмер эса мобиль қурилмалар ишлаб чиқаришга киришиб, ўз вақтида хатога йўл қўйишганини таъкидламоқда.

### Харажатларни тежаш мақсадида

*Германиянинг "Siemens" концерни келгуси йил охиригача иш ўринлари сонини 15 мингтага қисқартиришини маълум қилди.*



Шу орқали 6 миллиард евро миқдоридаги маблағни тежаб қолиш кўзда тутилган.

"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, бундан аввал ҳам ташкилот икки марта жойлардаги бўлимларида оммавий қисқартиришларни амалга оширган эди.

"Siemens" мутасаддилари харажатларни камайтириш ҳисобига концерн фаолиятини янада жонлантириб, рақобатчилари саналган "General Electric" (АҚШ) ҳамда "ABB" (Швейцария) компанияларидан ўзиб кетиш ниятида.

### Айбсиз айбдор

*Жаҳон мусиқа санъатининг афсоналаридан бири Майкл Жексоннинг ўлими юзасидан суд иши бўлиб ўтди.*

Маълумки, шу пайтгача хонанданинг ҳаётдан кўз юмишига унинг шахсий шифокори Конрад Мюррей сабабчи сифатида кўрсатиб келинаётган эди. Бироқ Лос-Анжелес суди шифокорни айбсиз, деб эълон қилди.

Ушбу хулосадан сўнг Жексонлар оиласи 85 миллион доллар миқдоридаги товон пулини ололмайдиган бўлди.

### Зарарли суюқлик

*Япониянинг "Фукусима" атом электростанциясидан радиоактив сув чиқаётгани аниқланди.*



Ундаги хавфлилик даражаси белгиланган меъёрдан бир неча баробар юқори экани айтилмоқда. Сувнинг денгизга бориб қуйилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу боис муаммони тезда бартараф этиш йўллари изланмоқда.

Сўнгги вақтларда "Фукусима"да бундай ҳолатлар тез-тез содир бўлаяпти. Хусусан, шу йилнинг август ойида 300 тонна радиоактив суюқлик тўкилиб кетганди.

### «Қизил сайёра»да вулқон

*Марсда улкан вулқонлар топилди. Сайёравий тадқиқотлар институти ҳамда Годдард номидаги космик парвозлар маркази (АҚШ)нинг бир гуруҳ астрономлари томонидан аниқланган бу янгилик "Нэйче ньюс" нашрида батафсил чоп этилди.*

Олимлар топилмага "супервулқон", дея таъриф беришди. Бундай вулқонлар атроф-муҳитни ўзгартиришга жиддий таъсир кўрсатар экан. Уларнинг фаразича, шундай табиат ҳодисалари Марсдаги ҳаётни ўзгартириб юборган бўлиши мумкин.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

HAMKORBANK

*Банкларнинг истиқболи мижозларга кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағларнинг қанчалик кафолатланганлигига бевосита боғлиқ. Шу боис бугунги кунда мамлакатимиз молия тизимини ислоҳ қилиш, банкларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳолига замонавий, намунали ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада мижозлар банкни ўзлари танлаш, аҳоли эса пул маблағларини банкдаги ҳисобварақларида сақлаш ва уни хоҳлаган филиал ёки бўлимдан исталган вақтда олиш имконига эга бўлмоқдалар.*



# Кафолатли хизмат ва ишонч

## банк ва мижозларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга

Реклама ўрнида

"Ҳамкорбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Гап шундаки, бундан йигирма икки йил аввал ўз фаолиятини бошлаган мазкур банк бугунги кунга келиб, мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга молия муассасаларидан бирига айланди. Бошқача айтганда, мижозлар учун таклиф этилаётган қулай ва жозибадор хизматлар, ўзаро ишонч ва барқарорликка асосланган фаолият амалда ўз самарасини бермоқда.

Айни пайтда банкнинг республикамиз бўйича 200 та хизмат кўрсатиш нуқтаси мавжуд бўлиб, шундан 28 таси филиал, 154 таси минибанк, 18 таси эса аҳолидан турли тўловларни қабул қилиш шохобчасидир. Уларда ҳам жисмоний шахслар учун, ҳам юридик шахслар учун юқори даражали хизмат кўрсатилаётгани туфайли 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24, кредит қўйилмалари 18, халқаро молия институтлари маблағлари 46 ҳамда капитали 13 фоиздан зиёд ўсишига эришилди.

Шу ўринда банк томонидан яқин йиллар давомида эришилган ютуқларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Негаки, айнан ушбу муваффақиятлар банк жамоасини янги марралар сари илҳомлантирмоқда. Фаолиятни кенгайтириб, мижозлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга ундаётир. Жумладан, банк жамоаси учун 2012 йил ниҳоятда омадли кечди. Чунки шу йили йирик инвестицион компания — "Triple Jump" билан микромолиялаштириш борасида келишувга эришилди. "VISA International" ҳамда "China Union Pay" тўлов тизимлари бўйича пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан хусусий процессингни ташкил қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жорий йилда эса инфокиосклар уч баробарга кўпайди. "Caspian Money Transfer" халқаро пул жўнатмалари тизими йўлга қўйилиб, "Агрокредит" номли янги кредит тури ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "Ҳамкорбанк"ка "Global finance" журнали томонидан "2013 йилда Осиёнинг ривожланган мамлакатлари молия бозоридаги энг яхши банки", "Asian Banking&Finance" нашрининг 200 та йирик молия институти ўртасида ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, "Ўзбекистоннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожи учун муносиб ҳисса қўшаётган энг яхши банк", дея баҳо берилди. Ёки "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлигининг барча рейтинглар истиқболини "Барқарор" белгилагани ҳам бежиз эмас. Буларнинг бари банк жамоасининг мукаммалликка интилиб, мижозлар талаби асосида иш юритаётгани, банк ва мижоз ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ҳамда очиқлик тамойилига устуворлик берилаётгани самарасидир.

Мана шулардан ҳам кўринадики, "Ҳамкорбанк" ривожланишнинг янги босқичига чиқаётган молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Бунга амалга оширилаётган ребрендинг ишлари ҳам яққол мисол бўла олади. Бундан кўзланган асосий мақсад эса истеъмолчилар учун содда ва қулай, жозибадорликни оширувчи янгиликларни жорий этиш, бозор муносабатлари шароитидаги ўзгаришларга ҳамоҳанг бўлиш, ўз услубини замонавий тусда янгилаш орқали хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш ҳамда янги мижозларни жалб қилишдир. Бошқача айтганда, "Ҳамкорбанк" эндиликда бизнес жараёнларининг нафақат такомиллашган йўлига ўтмоқда, балки бу орқали маркетинг асосидаги бошқарув алоқалари тизимига ҳам қадам қўймоқда. Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган тадбир банкнинг ушбу йўналишда амалга ошираётган ишларига бағишланди. Унда иштирокчилар банкнинг янги логотипи билан таништирилди.

Янги белгининг тўқ яшил ранги барқарорлик, ишончлилик, мақсадга интилувчанлик маъноларини англатса, унинг икки ёндош чизиқлари ҳамкорлик ва бири-бирини тушунишни билдиради. Чизиқларнинг қия ҳолда, поғонали жойлашгани эса барқарор ривожланиш, манфаатли бизнес муносабатларининг узоқ муддатга асосланганлигини ифода этади.

Икки чизиқ ва "HAMKORBANK" ёзувининг оқ фонда жойлаштирилишига келсак, бу фикр теранлиги, хоҳиш-истак ва олдинга интилишдан далолатдир. "Биргаликда юксалиш сари!" шиори эса банкнинг ўз фаолиятида юқори марраларга эришиш йўлида ҳаракат қилиши, мижозларнинг талабларини ўз вақтида қондиришга эътибор қаратишидан дарак беради.

— Бу билан чакана ва корпоратив йўналишдаги хизматлар доирасини кенгайтиришни, янги офислар очиш ҳисобига маҳаллий молия бозоридаги мавқени янада мустаҳкамлашни режалаштираяпмиз, — дейди "Ҳамкорбанк" ОАТБ бизнесни ривожлантириш департаменти директори А. Ибрагимова. — Шу мақсадда йил охиригача барча бўлинмаларнинг ҳам ички, ҳам ташқи томони янги кўринишдаги махсус белгиларга мослаштирилади. Аммо мазкур ўзгариш мижоз ва ҳамкорлар билан амалда бўлган шартнома келишувларига таъсир кўрсатмайди. Ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ёки қайта имзоланишига сабаб бўлмайди. Энг асосийси, бу билан мижозлар учун янги имкониятлар тақдим этилади, замонавий маҳсулот ва технологиялар жорий қилиниб, бизнес жараёнлари такомиллаштирилади, ходимларнинг профессионаллик даражаси оширилади.

Янги услуб банкнинг яқин бир неча йилга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги навбатдаги қадами бўлди. Ўз эътиборини мижозлар учун қулайликка қаратган, улар учун ишончли хизматни шараф деб билган "Ҳамкорбанк" тобора юқори чўққиларни забт этиш йўлида дадил одимламоқда. Бу борада банк мижозлар талаб ва эҳтиёжини олдиндан кўра билиш ҳамда уларга етарли шарт-шароитларни яратишга интилади.

**Банк матбуот хизмати.**


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Андижон вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Андижон вилояти судининг 2013 йил 7 июндаги 2-33-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 14-уйда жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 1774,79 кв.м., умумий қурилиш майдони 993,51 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 2749,42 кв.м. бўлган бино-иншоотлар ҳамда қурилиши тугалланмаган қисми.

***Бошланғич баҳоси — 699 153 014 сўм.***

**2.** Андижон шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 10-уйда жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 5166,07 кв.м., умумий қурилиш майдони 2417,55 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 3365,07 кв.м. бўлган омборхона бино-иншоотлари ҳамда қурилиши тугалланмаган қисми.

***Бошланғич баҳоси — 649 555 031 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 24 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 22 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Андижон вилояти филиали Андижон шаҳар ОАТ «Савдогар» банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1677A/1453



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Самарқанд вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

1. Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғонғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси 10 фоизга арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 948 447 449 сўм.***

2. Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, 9-уйда жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, қурилиш ости майдони 4413,18 кв.м. бўлган автобекат биноси 10 фоизга арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 458 839 975 сўм.***

3. Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 104 632 900 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 22 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 18 октябрь куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2013 йил 22 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 7 ноябрь куни сотилгунча бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1673A/1453



**«CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳрида жойлашган қуйидаги кўчмас мулк объектлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда:

**1.** Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уй. Умумий ер майдони 794 кв.м., қурилиш ости майдони 234,15 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 280 707 000,0 сўм.***

**2.** Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уй. Умумий ер майдони 817 кв.м., қурилиш ости майдони 532,84 кв.м., қурилиши тугалланмаган савдо хоналари.

***Бошланғич баҳоси — 348 190 000,0 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 4 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукционда қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.30 дан 16.30 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш 2013 йил 1 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Такрорий аукцион савдолари 2013 йил 19 ноябрь ва 4 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Continental estate advisory group» МЧЖ ОАТБ «Капиталбанк»нинг амалиёт бошқармасидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904916649001, МФО: 00974, СТИР: 301949454.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Телефон: (+998 95) 170-11-40. Факс: (8-371) 236-01-68.**

16744/503

***Лицензия: RR-0035.***

«Continental estate advisory group» МЧЖ томонидан 2013 йил 30 сентябрда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлимининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мавлоно Риёзий кўчаси, 17-уйда жойлашган, умумий майдони 60,46 кв.м.га тенг 18-хонадон 86 920 000,0 сўмга сотилди.


**● Реклама ва эълонлар ●**


Газ, сув ва электр таъминоти корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслар диққатига!

**«КрокусГазСервис» МЧЖ шаклидаги ҚК**

**Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни таклиф этади:**

**Москванинг «Газдевайс» заводи маҳсулотлари:**

- «Extra» русумли сув билан иситиш маиший қозонлари (24 Квт, 30 Квт), баҳоси — 2 200 000 сўмдан бошлаб;
- АГАТ G-16 типидаги ультратовушли газ ўлчагичлари;

**бир марта фойдаланиладиган рақамли пломбалар:**

- пломба-наклейкалар (ўлчами 60 мм. х 25 мм.);
- ПК-91РХ-3 пластик пломбалари;

**Маҳсулот сертификатланган.**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 232-21-22, 236-32-66.**

1547A/898



**ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»**

**предлагает кровельные и гидроизоляционные материалы.**

***ФОЛЬГОИЗОЛ NUR-IZOL NUR-FLEX — изготовлено по новейшей технологии.***





Предлагаем сотрудничество на выгодных условиях. Гарантируем качество и надежность.

Телефоны: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96. www.folgoizol.uz

1552R/887


"Ўзбекэнерго" ДАК бошқарув аппарати ва "Ўзэлектртармоқ" УК жамоаси корхона бош директори Махмаякуб Абдираҳимовга волидаи муҳтарамаси

**ТЎЛҒОНОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзэлектромонтаж" ОАЖ жамоаси жамият бошқарув раиси

**Нугман Исламович КУЧКАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Ўзбекистон “JATA — 2013” кўргазмасида

*Яқинда Ўзбекистон Республикаси делегацияси Токио шаҳрида бўлиб ўтган “JATA Tourism Forum and Travel Showcase 2013” (“JATA — 2013”) халқаро сайёҳлик кўргазмаси ишида қатнашди.*

*Япония Сайёҳлик агентликлари уюшмаси томонидан ҳукумат кўмаги остида ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг 154 мамлакатидан келган 700 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Халқаро кўргазмада “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Mega Tour”, “Oxus Travel”, “Darvesh Tour Service” ва “Pahlawan Travel and Tours” сайёҳлик компаниялари вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси томонидан мамлакатимизнинг миллий бўлмаси ташкил этилди. Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳақида атрофлича тасаввур уйғотадиган ранг-баранг ахборот материаллари, анъанавий миллий либослар ҳамда ўзбек халқ амалий санъатининг намуналари Ўзбекистон бўлмаси пештахталаридан жой олди.

“Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида “**I.O. Travelers Company” сайёҳлик компаниясининг директори И. Тцучикава** Ўзбекистон вакилларининг “JATA — 2013” кўргазмасидаги иштироки Япония жамоатчилигига республика билан яқиндан танишиш ва ўлка ҳақида кенг қамровли маълумотларга эга бўлиш учун қулай имконият яратганини қайд этди. Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларида қад кўтарган тарихий-меъморий ёдгорликлар, ўзбек халқининг кўп асрлик ўзига хос урф-одат ва анъаналари, унинг сўзларига қараганда, дунёнинг барча мамлакатлари, жумладан, Япониядан сайёҳларни тобора ўзига жалб қилмоқда.

Шу маънода И. Тцучикава ўзи раҳбарлик қилаётган компания Япония фуқаролари учун Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб мунтазам саёҳатларни йўлга қўйиш мақсадида юртимиз сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масаласини ўрганаётганини маълум қилди.

**Япония Сайёҳлик агентликлари уюшмаси Ахборот-ташкилий бюроси бош директори Эики Сато**нинг фикр билдиришича, кўргазмада тақдим этилган мамлакатлар орасида Ўзбекистон миллий бўлмаси ўзининг гўзаллиги ва ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб турди. Япония сайёҳлик компанияларининг кўҳна Буюк Ипак йўли ганжинаси бўлмиш Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши тобора ортиб бораётганини таъкидлар экан, Э. Сато “кўплаб бекиёс тарихий меъморий обидаларга эга бўлган Ўзбекистон японялик сайёҳларни ҳам оҳанрабодек ўзига жалб қилмоқда”, деди.

Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларидан орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, **Япониянинг “NHK” телерадиокомпанияси радиоэшиттиришлар бўйича директори Казухиса Имажо** ўлкамиз заминида ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни алоҳида эътироф этгани баробарида, ўзбек халқининг кўп асрлик меҳмондўстлик анъаналарини юксак баҳолади. “Сўнгги йилларда Ўзбекистон мавзуси, унинг бетакрор табиати ва меҳмондўст халқи хусусидаги хабар-мақолалар Япония оммавий ахборот воситаларида тобора кенг ёритилмоқдаки, бу мамлакатингизга бўлган қизиқишнинг янада кучайишига хизмат қилаётир”, деди у, жумладан.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

*Наманган шаҳридаги 2-Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида теннис бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.*

## Қизиқарли баҳслар

Унда 240 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Бир ҳафта давом этган баҳслар томошабинларга қизиқарли онларни туҳфа этиш билан бирга, юртимизда янгидан-янги истеъдодлар, умидли теннисчилар етишиб чиқаётганини яна бир карра тасдиқлади.

Чемпионат якунига кўра, андижонлик Одил Акрамов, Равшан Қодиров ва Жамила Содиқжонова, наманганлик Ҳумоюн Абдумаликов, Валентина Шлейн, Самарқанд вилояти вакиласи Фариза Абдуллаева, тошкентлик Абдур Саидаҳмедов ҳамда Ириса Турсунова мамлакат чемпиони бўлди.

Шунингдек, жуфтлик беллашувларида ҳам кучлилар сараланди.

Мусобақа ғолибларига Ўзбекистон теннис федерациясининг диплом, медаль ва эсдалик совғалари топширилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

## «Футболимиз келажаги»

*Пойтахтимиздаги “Жар” стадионида маҳаллалар болалар футбол жамоалари ўртасида “Футболимиз келажаги” анъанавий турнирининг республика финал босқичи бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Футбол федерацияси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада ҳудудий босқичларда муваффақиятга эришган ўн икки жамоа ўзаро куч синашди.

Ғолиблар уч ёш тоифасида аниқланди. Жумладан, 9 — 10 ёшли футболчилар ўртасида Риштон туманидаги Чиннигарон маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллади. 11 — 12 ёшлилар баҳсида эса Яккасарой туманидаги Қушбеги маҳалласи вакилларига тенг келадиган рақиб топилмади. 13 — 14 ёшли футболчилар ўртасидаги беллашувда Боғдод туманидаги Ирғоли маҳалласининг умидли спортчилари ғалаба қозонди.

**Ш. ЗОКИРЖОНОВ.**

## Меҳрибонлик уйига ҳомийлик ёрдами

*Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйида кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилгандан сўнг, ушбу муассаса бутунлай ўзгача қиёфа касб этди.*

ЭЗГУЛИК

Мазкур хайрли иш “Сен ёлғиз эмассан” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳомийлигида амалга оширилди. Шунингдек, ушбу муассаса Меҳрибонлик уйини сўнгги русумдаги замонавий жиҳозлар билан ҳам таъминлади.

Айни пайтда бу ерда 140 ўринга мўлжалланган ётоқхона, тўгарак хоналари, кўргазмалар зали, музей, ошхона, кутубхона, спорт зали, тиббиёт хонаси ҳамда футбол майдони тарбияланувчилар ихтиёрида. Меҳрибонлик уйида таълим жараёни ҳам энг сўнгги ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб борилмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Маданият хабарлари



*Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма номидаги Халқаро Маданият карвонсаройининг катта залида “Устоз ва шогирдлар” деб номланган кўргазма очилди.*

## Устоз ва шогирдлар

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмада Жамол Усмонов ва шогирдларининг юртимизнинг фидойи ҳамда бунёдкор инсонлари, Ватан манзаралари, она-табиатни акс эттирувчи ижодий ишлари ўрин олган. Тасвирий санъат оламида ўзига хос йўналишга эга бўлган ушбу рассом нафақат мамлакатимиз, балки бир қатор хорижий, хусусан, жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Голландия, Малайзия сингари ўттиздан зиёд давлатларида бўлиб ўтган халқаро биеннале, танлов, кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлган. Устоз санъаткорнинг бетакрор ижод намуналари юртимиз ва ривожланган хорижий мамлакатлар музейлари ҳамда шахсий коллекциялардан ўрин олган.

Халқаро маданият карвонсаройининг кичик залида эса “Ўзбек амалий санъати дурдоналари” деб номланган кўргазма ҳам иш бошлади.



Унда Ўзбекистон Бадиий академияси Жамоат фонди аъзолари бўлган уста ва ҳунармандларнинг 50 дан ортиқ энг сара ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

**Гавҳар САОДАТОВА.**

## Миллий қадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз

*Навоий шаҳрида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида “Миллий қадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз” шиори остида халқ ўйинлари фестивали бўлиб ўтди.*

ТАДБИР

Тадбир вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан фольклор-этнографик, бадиий ҳамда ҳаваскорлик жамоалари қатнашди.

Тадбирда миллий спорт ўйинлари, қадриятларимиз ва урф-одатларимизни акс эттирувчи ҳунармандчилик намуналари намойиш қилинди.

Якунда энг фаол иштирокчи ва жамоалар муносиб тақдирланди. Фестивалнинг Гран-при совринига Кармана туманидан Баҳодир Ўринов раҳбарлигидаги дорбозлар гуруҳи сазовор бўлди. “Алпомиш” номинацияси Зарафшон шаҳри жамоасига, “Тўмарис” номинацияси эса Конимех тумани вакилларига насиб этди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БУНЁДКОРЛИК

*Олот тумани марказида мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

## Ёшларга туҳфа

Мазкур иншоотни “Маржона” ирригация ва қурилиш хусусий корхонаси жамоаси қисқа муддатда сифатли қилиб бунёд этди. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 408 миллион сўмлик ушбу таълим даргоҳи Олот шаҳрининг марказий кўчасига узукка кўз қўйгандек ярашди. У 150 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мафтунабонунинг муваффақияти

*Италиянинг Венеция шаҳрида 6-Халқаро санъат фестивали доирасида “Orpheus in Italy” танлови бўлиб ўтди. Унда Жалақудуқ туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабининг дутор ва эстрада синфи ўқувчиси Мафтунабону Маҳмуджонова ҳам муваффақиятли қатнашди.*

Йигирма саккиз мамлакатдан тўрт юзга яқин ёш иқтидор соҳиби иштирок этган мазкур нуфузли тадбирда Мафтунабону ўзбек миллий мумтоз қўшиқларидан “Дилхирож” ҳамда устози Радим Бўронов томонидан басталанган “Италиялик бола” қўшиғини ижро этиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Айтиш жоизки, эндигина ўн уч ёшни қаршилаган Мафтунабону болалигидан қўшиқ куйлайди. Хусусан, у ўтган йили “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали республика босқичида муваффақиятли қатнашган ҳамда “Болалигим — пошшолигим” кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган эди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

EKF electrotechnica
www.elektrotovar.uz

ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании EKF в Узбекистане

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силовые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контакторы (контакторы, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока) и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъемы силовые)
- Корпуса электрощитов и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервоприводы)



Гарантия — 5 лет

ОПТОМ И В РОЗНИЦУ

Товар сертифицирован
Лицензия №006196

Тел: (99871) 150-18-81. Факс: (99871) 216-77-74. E-mail: marketing.me@mail.ru, info@megaelectro.uz

1047R/620

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

**савдолар залида 2013 йил 25 октябрь ва 15 ноябрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран сотувга қўйилганлигини маълум қилади:**

ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2013 йил 28 февралдаги 2-174/9-13-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган, Самарқанд шаҳри, Усто Умар Жўрақулов кўчаси, 130-уйда жойлашган 9 хонали нормал ҳолатдаги уй-жой, умумий ер майдони 560 кв.м., қурилиш ости майдони 389,10 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 285 208 000 сўм.***

ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 17/10-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган, «Ал-Азизбек АГТКШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Охалик қишлоғида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи, умумий ер майдони 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони 3268,95 кв.м.

**Бошланғич баҳоси — 224 068 753 сўм.**

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар «Амир Темур» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Телефонлар: (8-366) 234-89-99, 239-65-88.**

Лицензия: 0038.

1671A/477

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.***

1539A893

*«GM Ўзбекистон» ЁАЖ компаниясининг расмий дилери*

«ХУМО-АВТОСАВДО» МЧЖ

**эркин равишда 2014 йилга автомобиль нархидан 85% олдиндан аванс тўлови қабул қилган ҳолда, қуйидаги автомобиль моделларига шартнома бермоқда:**

**«SPARK», «NEXIA-DOHC», «COBALT», «LACETTI», «CAPTIVA» ва «MALIBU».**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод мавзеси, 4-даҳа. Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 224-90-29, (+99893) 575-71-79.**

1672A/952

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 087 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5